

EDAGOGIK МАХОРАТ

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

5-son (2019-yil, oktabr)

Jurnal 2001-yildan chiqsa boshlagan

Buxoro – 2019

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

2019, № 5

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi qarori bilan **pedagogika va psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalarini yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruruiv nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy
Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinosi: Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisod fanlari doktori

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belostrukina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Chuprov Leonid Fedorovich, psixologiya fanlari nomzodi, RAE professori (Abakan, Rossiya)

Kozubsov Igor Nikolayevich, pedagogika fanlari nomzodi, RAE professori (Kiyev, Ukraina)

Sidorova Lyudmila Pavlovna, falsafa fanlari nomzodi, dotsent ("Oliy iqtisodiyot maktabi" milliy tadqiqot universiteti (Rossiya))

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО

Научно-теоретический и методический журнал

№ 5, 2019

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решении ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по педагогике и психологии.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раза в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – кандидат педагогических наук, доцент

Хамидов Обиджон Хафизович , доктор экономических наук

Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор

Ибрагимов Холбай Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор

Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор

Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)

Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор

Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор

Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор

Суннатова Рано Иzzатовна, доктор психологических наук, профессор

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)

Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)

Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)

Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)

Чупров Леонид Федорович, кандидат психологических наук, профессор РАЕ (Абакан, Россия)

Козубцов Игорь Николаевич, кандидат технических наук, профессор РАЕ (Киев, Украина)

Сидорова Людмила Павловна, кандидат философских наук, доцент (Нижний Новгород, Россия)

Таджикходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор

Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор

Ураева Дармоной Сайджановна, доктор филологических наук, профессор

Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор

Дурдыев Дурдыумрад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор

Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор

Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор

Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор

Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор

Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор

Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор

Каххаров Отабек Сиддикович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент

The scientific-theoretical and methodical journal

5, 2019

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.
The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house:Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** Ph.D., Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakiyeva (Bulgaria)

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov

Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R. Baratov

Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov

Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I. Sunnatova

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)

Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)

Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraine)

Ph.D. of Psychology, As.prof. Leonid F. Chuproff (Abakan, Russia)

Ph.D. of Technical sciences, As.prof. Igor N. Kozubsov (Kiev, Ukraine)

Ph.D. of Philosophycal science, As. prof. Lyudmila P. Sidorova (Russia)

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R. Amanov

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev

Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva

Ph.D. of Philology, Prof. Shoira N. Akhmedova,

Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdumurod K. Durdiev

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaivor

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev

Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov

Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev

Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev

Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov

Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S.Kahhorov



Отобек ҚАХҲОРОВ

Бухоро давлат университети
иқтисодиёт кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада олий таълим кадрлар тайёрлаши тизимининг асосий бўғинларидан бири эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жасият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжсларини қондиришига қаратилган устувор соҳа сифатида амалга ошириладиган ислоҳотлар ҳақида фикр юритилган. Жумладан, олий таълим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, республика иқтисодиётининг реал тармоқлари учун юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаши учун хизмат қиласи.

Калим сўзлар: олий таълим, малакали кадр, модернизация, кредит-модуль, технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор.

В статье представлен обзор проводимых реформ, как одной из основных составляющих системы подготовки кадров высшей школы, а также приоритетной сферы, направленной на обеспечение социально-экономического развития Республики Узбекистан и удовлетворение экономических, социальных, научно-технических и культурных потребностей личности, общества и государства. В частности, указано о том, что высшее образование имеет свои особенности и служит для подготовки высококвалифицированных специалистов для реального сектора экономики Республики.

Ключевые слова: высшее образование, квалифицированные кадры, модернизация, кредит-модуль, Технопарк, Форсайт, трансфер технологий, стартап, акселератор.

The article presents an overview of the ongoing reforms as one of the main components of the system of higher education training, as well as a priority area aimed at ensuring the socio-economic development of the Republic of Uzbekistan and meeting the economic, social, scientific, technical and cultural needs of the individual, society and the state. In particular, higher education has its own characteristics and serves to train highly qualified specialists for the real sector of the economy of the Republic.

Keywords: higher education, qualified personnel, modernization, credit module, Technopark, foresight, technology transfer, startup, accelerator.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони [1]да Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлокий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш назарда тутилган. Шу мақсадда қуйидаги вазифалар белгиланган:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш;

республикадаги камидаги 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу

жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та уриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илгор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўкув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўнилмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносаб хисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бюджетдан ташкари бошқа маблаглар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалавриат ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишини, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек, республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “хаб”га айлантириш;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

таалаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташабусни амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблагларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш соҳалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш кабилар.

Ҳозирги замонда инсонларнинг билими ва малакаси жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини аниқловчи муҳим омилдир. Шунинг учун кўпчилик мамлакатларда таълимни ривожлантириш истиқболи энг асосий масалалардан бирига айланмоқда.

Жамият ижтимоий соҳасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири таълим-тарбия соҳаси бўлиб, у сиёсий-хукукий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга бевосита таъсир этади ҳамда ижтимоий соҳалар меъёрий моҳиятини, камолот даражасини белгилаб беради.

Таълим тизими хақида сўз борар экан, энг аввало “таълим” тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиз. Таълим – бу давлат томонидан қатъий ўрнатилган меъёrlар асосида табиат ва жамият унсурларини ўрганиш бўлиб, шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида, аниқ мақсадга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир[2].

Таълим соҳасидаги давлат сиёсати – бу давлатнинг таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашга қаратилган фаолиятdir. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, тураржойидан қатъи назар, юртимизда яшовчиларнинг барчаси учун сифатли таълим олиш тенг хукуқлигини таъминлаш кафолатланади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ташкилий-хукукий асоси сифатида тан олинади. Мазкур хужжатлар таълим тизимининг ривожланиши ва фаолиятини амалга ошириш чора-тадбирлари стратегиясини белгилайди. “Таълим

тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, “Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади”[3].

Таълим инсон шахсининг баркамол шаклланишига ва инсон хукуклари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча ҳалқлар, ирқи ва диний гурухлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайриҳоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли хукуқга эгадирлар”[4].

Ҳар қандай давлатнинг етакчи ресурси – инсонлардир. Агар инсон меҳнат бозорида ўз ўрнини топа олиши, ўзи ва оиласига муносиб ҳаётни таъминлашга етарли маблағ ишлаб топиши учун тегишли маълумотга эга бўлса, аввал ўзи, кейин оиласи ва давлат ривожланади.

Инсонда шундай билим олиши лозимки, бу унга ўзи учун муносиб ҳаётни таъминлаш ва эркин ривожланиш имконини яратмоғи керак. Шунинг учун Конституциямизнинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш хукуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратида» эканлиги белгилаб қўйилган[5]. Таълим соҳасидаги давлат сиёсати шахс талабларини ҳамда фуқаролик жамияти, давлат, оила ривожланиши эҳтиёжини қондиришга (давлат иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда) қаратилади.

«Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг замонавий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради»[6].

“Иқтисодиётнинг мунтазам ўсиши, билимларга ёндашган ишлаб чиқаришни кенг жорий қилиниши сабабли, уларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжи ошади. Ана шу кадрларнинг асосий қисми олий маълумотга эга бўлиши керак. Бу, ўз навбатида миллий олий таълим тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради”[7].

Олий таълимнинг ривожланиш босқичлари, тараққий топиши мамлакатимиз тарихида узок ўтмишга бориб тақалишини эътироф этиш жоиз. Хусусан, дунёга машҳур Ахмад ал-Фарғоний, Мухаммад ибн Муса ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби улуғ алломалар илм-фан соҳасида юксак чўққиларга эришишган ва таълим соҳаси ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшишган. Шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилиши, Амир Темур, Мирзо Улугбек даврида илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар шулар минтақамизда таълим чукур ва мустаҳкам илдизга эгалигини кўрсатади.

Ўзбекистонда XX аср бошларидан ҳозирги кунгача бўлган муддат давомида олий таълимнинг ривожланиш жараёнини икки босқичга ажратган ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш мақсадга мувофиқ. **Биринчи босқич** – XX аср бошларидан то мустақиллик йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, унда мамлакатимиз худудида собиқ иттифоқ даврида олий таълим муассасаларининг ташкил этилишига оид маълумотлар келтирилади. 1930 йиллардан бошлаб, Ўзбекистоннинг қатор шаҳарларида педагогика ва ўқитувчилар тайёрлаш йўналиши бўйича институтлар ташкил этила бошланди. Улар бошлангич ва ўрта мактаблар учун ўқитувчилар, илмий-тадқиқот муассасалари учун кадрлар тайёрлаш бўйича йирик марказларга айланди. Ўзбекистонда 1970 йилларда педагогик йўналишдаги 16 та олий ўқув юрти мавжуд бўлган. Хусусан, Қўқон (1929 йил), Фарғона (1930 йил), Бухоро (1930 йил), Тошкент (1935 йил), Хоразм (1935 йил), Қарши (1936 йил), Наманган (1942 йил), Андижон (1953 йил), Термиз (1965 йил), Сирдарё (1966 йил), Самарқанд (1967 йил), Тошкент вилояти (1967 йил), Жizzах (1974 йил) давлат педагогика ҳамда Тошкент давлат чет тиллар (1948 йил), Республика рус тили ва адабиёти (1963 йил) институтлари фаолият кўрсатган[8].

Ўрта Осиёда олий техника таълимнинг ривожланиши 1920 йилда Туркистон давлат университети таркибида техника факультети ташкил этилиши билан бошланган[9]. Бундан ташқари, ўша даврда тиббиёт (медицина), маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилган. Тошкент шаҳрида 1918 йилда илк фельдшерлик мактаби, 1919 йилда олий тиббиёт мактаби ташкил этилган. Орадан бир йил ўтгандан сўнг эса олий тиббиёт мактаби Туркистон давлат университетининг тиббиёт (медицина) факультети сифатида фаолият кўрсата бошлаган. 1931 йилда ушбу факультет негизида Ўрта Осиё медицина институти ташкил этилган, 1935 йилда унга Тошкент тиббиёт институти номи берилган ва кейинчалик бошқа йўналишларда ҳам олий таълим муассасалари фаолият кўрсата бошлаган[10].

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар олий таълимнинг дастлабки пойдеворлари қўйилган бўлса-да, фикримизча, иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун малакали мутахассис-кадрлар тайёрлашнинг аниқ тизими мавжуд бўлмаган.

Иккинчи босқич Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан то бугунги кунгача бўлган муддат ўз ичига олиб, олий таълимнинг модернизация қилинишига оид масалаларга эътибор қаратилганилиги билан ажralиб турди. Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда қатор муҳим вазифалар амалга оширилди. Бу даврда биринчидан, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент ислом университети, вилоятлардаги тегишли педагогик институтлари негизида Андижон, Бухоро, Гулистон, Қарши, Наманган, Фарғона, Термиз, Урганч давлат университетлари ташкил этилди. Тошкент чет тиллар, Тошкент қишлоқ хўжалик ва Тошкент алоқа институтларига ҳам университет мақоми берилди.

Иккинчидан, йирик олий таълим муассасаси – Тошкент политехника институти негизида қайд этилган Тошкент давлат техника университетидан ташқари яна иккита – Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент архитектура-қурилиш институти ташкил этилди. Тошкент давлат университети таркибидан шарқшунослик ва ҳуқуқшунослик факультетлари ажralиб чиқиб, мустақил олий таълим муассасаси – Тошкент давлат шарқшунослик ва юридик институтларига айлантирилди.

Учинчидан, олий таълим муассасаларини жойлаштириш борасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида барча худудларда олий таълим муассасалари ташкил этилди. Чунки, уларнинг тўртдан уч қисми бир қанча йирик шаҳарларда, асосий қисми эса Тошкентда жойлашган эди. Булар юқорида қайд этилган 8 худудий университет ва Тошкентдаги олий таълим муассасалари филиаллари негизида ташкил этилган Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти, Наманган муҳандислик - иқтисодиёт институти (айни пайтда Наманган муҳандислик-технология институти), Навоий давлат педагогика институтидир. Ҳар бир олий таълим муассасаси берилган янги мақомга кўра, таълим шакли ва мазмунини қайта тузиш бўйича аниқ дастур асосида фаолият олиб бориши белгиланди.

Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарор[11] билан Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига; Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технология институтига; Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти (кейинчалик Бухоро муҳандислик-технология институти)га айлантирилиб, уларнинг ихтинослашуви ўзгартирилди ва қайта ташкил этилди.

Кейинги пайтда мамлакатимизда хорижий давлатларнинг йирик олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш кўлами кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги 22-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-кувватлаш “Умид” жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Британия Кенгashi ва Вестминстер университетининг (Буюк Британия) таклифига биноан Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилди. “Иқтисодиёт”, “Менежмент”, “Ахборот технологиялари” ва “Ҳуқуқ” йўналишлари бўйича бакалавриат ва магистратура тизими бўйича мутахассислар тайёрлаш Халқаро Вестминстер университетининг асосий вазифаси ҳисобланади [12].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги “Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 318-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси таклифига асосан Академиянинг Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузурида эксперимент тарзида ташкил этилган. Ўқув-илмий марказига Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали мақомида Ўзбекистон Республикаси худудида олий касб таълими соҳасида таълим фаолиятини юритиш ҳуқуки берилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 24 февралдаги ПҚ-290-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг таклифига биноан М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги

филиали ташкил этилди [13]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 12 январдаги ПҚ-564-сонли қарорига мувофиқ “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети таклифига биноан Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиали ташкил этилди [14].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2007 йил 12 январдаги “Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-564-сонли ҳам таълим тизимида ўзига хос аҳамиятга эга бўлди[15].

Саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари, саноат ва хўжалик обьектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш учун илгор таълим стандартлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги ПҚ-1106-сонли қарори[16] билан Тошкент шаҳрида Турин политехника университети ташкил этилди.

Қарорда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Турин политехника университети (Италия Республикаси), “Ўзватсаноат” акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор хўжалик бирлашмалари ҳамда соҳалари томонидан нотижорат ташкилот сифатида ташкил этиладиган олий таълим муассасаси хисобланиши белгилаб кўйилди.

Турин политехника университетида (Италия Республикаси) қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига кўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик обьектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш соҳа ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш университетнинг асосий вазифаси хисобланди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 24 марта “Тошкент шаҳрида Инха университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2155-сонли қарорига [17] мувофиқ мамлакатимизда Корея Республикасининг энг нуфузли олий таълим даргоҳларидан бири хисобланган Инха университети фаолияти ташкил этилди.

Олий таълимнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритадиган бўлсақ, олий таълим - юқори малакали мутахассислар тайёрлаш орқали олий таълим муассасаларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилади. Мамлакатимиз таълим қонунчилигига мувофиқ олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги хужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат – мутахассислар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир. Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар бўйича муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. “Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2003 йил 9 февралдаги 9-сонли буйруқ билан тасдиқланган “Олий таълим ҳақидаги низом [18] олий таълимнинг мақсад ва вазифалари, тузилмаси, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, олий таълим муассасаси талабалари ва ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, олий таълим тизимини бошқариш, молиялаштириш каби масалаларни белгилайди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим йўналишлари ва мутахассисларини оптималлаштириш ва таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассислари Классификатори бакалавриат таълим йўналишлари 228 тадан 165 тага, магистратура мутахассислари 1200 тадан 447 тага қисқартирилиб, тасдиқланди. Янгиланган Классификаторга мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари (363 та) ва магистратура

мутахассисликлари (519 та)нинг жами 882 та давлат таълим стандартлари ва ўкув режалари ишлаб чиқилди [19].

Бугунги кунда республикамизда олий таълим муассасаларининг 25 тасида таълим, 18 тасида саноат, курилиш, транспорт ва алоқа, 9 тасида тиббиёт, 6 тасида қишлоқ хўжалиги, 10 тасида иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 10 тасида бошқа соҳалар учун кадрлар тайёрланади[20].


Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли фармонида таъкидланишича, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,99 ни ташкил этади [21]. Эътиборлиси, айни вақтда бу кўрсаткич дунё мамлакатларида 0,77 ни ташкил этмоқда [22]. Таълим соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлаш гаровидир. Бунга эришишда таълим хизматлари бозоридаги иктисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларини самарали фаолиятини таъминлаш мухим аҳамият қасб этади.

Маълумки, таълим хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми ва умуман, миллий хўжаликнинг бир бўлгаги сифатида малакали ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш ва қайта тайёрлашда бевосита иштирок этади ва шу орқали ялпи ички маҳсулотни яратишга ўз ҳиссасини қўшади. Буни кўйидагиларда кўриш мумкин: таълим соҳасида ахборот технологиялари кенг жорий қилиниши натижасида унинг миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан технологик ва функционал алоқалари чукурлашиб бориши; таълимнинг, тегишли доирада бозор муносабатлари асосида ривожланиши; таълим соҳасида ўзига хос иқтисодий муносабатлар мавжудлиги туфайли у тақрор ишлаб чиқаришда (миллий бойликни яратиш ва инсоннинг таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириши) ва истеъмол босқичларида (товар ва хизматларни сотиб олишда таълимнинг фаол иштирок этиши) қатнашиши ва тақсимлаш босқичида аҳоли даромадларини шакллантиришга таъсир этиши.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиётнинг 16 фоизи-моддий-техника базага, 20 фоизи - ресурсларга, 64 фоизи-инсон омилига боғлиқ. Бу учала омил бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, таълим-тарбия моддий-техника базаси, мавжуд ресурслардан, имкониятлардан оқилона фойдаланиш инсон мафаатига хизмат қиласи ва роционал ривожланиши белгилаб беради.

Иқтисодиётда ривожланишининг замонавий босқичига хос таркибий ўзгаришлар бандлик соҳа ва касблар бўйича ўзгаришини тақозо этиб, олий таълимга бўлган талабни оширимоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, илгари юқори малакани талаб этмаган ишчи лавозимлар ҳам, бугунги кунда олий маълумотли мутахассислар томонидан амалга оширилиши талаб этилмоқда. Прогнозларга қараганда, рўй бераётган ўзгаришларни хисобга олга ҳолда янги босқичда олий таълимга эҳтиёж ошиб боради (1-расм) ва аҳолининг 60% олий маълумотли бўлиши талаб этилади.



1-расм. Инсоният жамиятида олий таълимга бўлган эҳтиёжнинг ўзгариш динамикаси [23]

Иқтисодий ривожланишнинг янги босқичида олий маълумотли, балки бир нечта йўналиш ихтисослик бўйича олий маълумотга ва шунга мос малакага эга бўлган кадрларга талаб ошади. Бугунги кунда энг юқори иш ҳақи белгиланган 20 та касбнинг барчаси олий маълумотни, камида бакалавр даражасини талаб этади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти кўрсатишича, олий таълим даражасини талаб этувчи касблар бошқа касбларга нисбатан икки баробар тезроқ ўсмоқда. Шунингдек, агар 1980 йиллар бошларида олий маълумотли ва ўрта маълумотли кадрларнинг ойлик иш ҳақи орасида ўртacha фарқ 38% ни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 80%га яқинлашган [24].

Биз бу йўналишдаги ишларимизни таңқидий баҳолаган ҳолда, 2017– 2021 йилларда олий ўқув ўртлари тизимини янада ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқишимиз ва уни ҳаётга татбиқ этишимиз керак бўлади. Яъни, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг хар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида сифатни ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаш ҳам шуни такозо этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори [25] таълим тизимида ислоҳотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим хужжат бўлди.

Қарорда олий таълим тизимида бугунги кунда учраётган оғрикли нұқталар очик-ойдин санаб ўтилгани ҳолда, ушбу муаммоларнинг ечимлари ҳам тўлиқ кўрсатиб берилди.

Хужжатга кўра, алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалавриат ҳамда камида бир йил бўлган магистратуруни жорий этиш, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларининг кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига кўра, мустақил равишда ишлаб чиқилиши худудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш имконини яратади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, энди талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўл тутилади. Бунда таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффофф ҳамда адолатли усусларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Муайян фанлардан дарс берган ўқитувчи-педагогларнинг якуний назорат жараёнидаги иштирокини истисно қиласидан тизимнинг кўлланилиши ҳам таълим тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий этишнинг аниқ механизмлари белгиланди. Бу айrim ўқитувчилар кўр-кўрона дарс ўтиб, ўзининг ҳам, талабанинг ҳам, энг аянчлиси, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг ҳам вақтини ўғирлашдек оғир оқибатларни бартараф қилишга имкон беради. Қолаверса, Президентимиз қарори билан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга, тадбирларга жалб этиш тақиқланди.

Бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қиласиди. Ҳозир замонавий фикрлайдиган, энг сўнгги янгиликлар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёқарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юкланди. Президентимизнинг мазкур қарорида белгиланган комплекс чора-тадбирлар ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори [26] олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиқсан ҳолда, ўртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва

технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги фармойиши асосида тузилган Ишчи гурух томонидан олий таълим тизимида мавжуд ҳолатни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қатор олий таълим муассасаларида илмий-педагогик салоҳият ҳануз паст даражада қолмоқда, таълим жараёнининг ўқув-методик ва ахборот таъминоти замонавий талабларга мос эмас, моддий-техника базаси тизимли равишда янгиланишга муҳтож. Олий таълим тизимида ўқув жараёнига илфор ҳалқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмаяпти.

Қарорга кўра, қўйидагилар олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига ҳалқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш;

олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидағи ихтисослик йўналишлари ва мутахассисларни худудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

янги авлод ўқув кўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимида кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс марказлари фонdlарини мунтазам янгилаб бориш;

педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатидан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиши;

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шугулланишга жалб этиш;

олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, ҳалқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чукур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш;

олий таълим муассасалари моддий-техника базасини уларнинг ўқув ва илмий-лаборатория биноларини, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш орқали янада мустаҳкамлаш, замонавий илм-фан соҳаларининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораториялар базасини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талabalар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илфор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш.

Белгилangan вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш мақсадида олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Дастурга мувофиқ, 2017-2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари обьектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланади, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича қуидаги аниқ параметр ва кўрсаткичларни ўз ичига олган манзилли ривожлантириш дастурлари тасдиқланди:

олий таълим тизимида янги таълим ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларнинг, шунингдек, иктиносидёт соҳалари ва худудларни комплекс ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган ва бакалавриат ва магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини 2021 йилгача босқичма-босқич равишда 18 фойзгача оширишни назарда тутадиган, 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган параметр ва кўрсаткичлари;

ўкув бинолари, талабалар тураржойлари, ахборот-ресурс марказлари ва бошқа обьектларни куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳисобидан янги ўкув ўринларини ташкил этиш, янги ўкув-лаборатория комплексларини сотиб олиш, аудиторияларни компьютер техникаси билан жиҳозлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг касб маҳоратини, педагог ходимларнинг малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг хорижий ҳамкор олий ўкув юртларида малака ошириши, магистратура, докторантурада таълим олиши ҳамда республикамизнинг таянч олий ўкув юртлари қошида қайта тайёргарликдан ўтиши ва малака ошириши.

Мазкур дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир олий таълим муассасаси билан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва шу каби бошқа давлатларнинг етакчи илмий-таълим муассасалари ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда ҳар йили 350 нафардан ортиқ хорижлик юқори малакали педагог ва олимларнинг мамлакатимиз олий ўкув юртлари ўкув жараёнига жалб этилиши кўзда тутилмоқда.

Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўкув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар тураржойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқги эса ўкув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Шунингдек, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сонли Фармони [27] да қуидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чукур ўзлаштирган кадрлар тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъи назар барча олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўкув-педагогик ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасининг давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мослигини таъминлаш;

таълимда янги педагогик технологиялар ва ўқитиши услубларини жорий этишининг халқаро амалиётга мувофиқ жараёнини ташкил қилиш, ўкув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишининг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўкув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш;

иктиносидёт тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда талабалар амалиётини ташкил этиш;

олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларга хурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик рухида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мағкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иктидорли ёшларни кенг жалб этиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-куватлаш;

таълим муассасаларини зиммасига юкланган вазифаларни юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тизимли рағбатлантириш чораларини кўриш;

олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларнинг қасбий маҳорати сифати ва даражасини мунтазам ошириб бориши учун шароитлар яратиш, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим дастурларини амалга ошириш, соҳада эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиши;

иши берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифлари, илгор хорижий тажриба, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қасб-хунар колледжларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун ўкув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

ўкув ва илмий лаборатория базаларини модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, спорт-соғломлаштириш йўналишидаги ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларига қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

а) юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, қўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилаш;

б) иқтидорли, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-куvvatлаш;

в) сақлаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ўқитишининг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўкув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа обьектлар), шу жумладан, китоблар, журналлар, ўкув адабиётлари харид қилиш ва чоп эттириш учун маблағларни мустақил сарфлаш;

г) олий таълим муассасаси инфратузилмасига сервис хизматлари қўрсатишнинг алоҳида турлари, жумладан, бино ва иншоотлар, талабалар турар -жойлари, спорт обьектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

д) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда: олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техник базаси имкониятларини инобатга олиб, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилиш параметрларини белгилаш, янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш; олий таълим муассасасини ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиши қийматини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим амалий қадамdir.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони // Халқ сўзи, 2019 йил 9 октябрь.

2. Безуглов А.А., Солдатов. С.А. Конституционное право России. –М. 2001. Том I. 541 ст.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.
4. Бобоев Ҳ.Б. ва бошқ. Инсон хуқуқлари. Ўкув қўлланма. Ўзбекистон, 1997, 189-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2012. Б. 96.
6. Кадрлар тайёrlаш миллий дастури. // –Олий таълим: меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2001. 42-бет.
7. Кадрлар тайёrlаш миллий дастури. // –Олий таълим: меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2001. 42-бет.
8. Абдурахманов Г.А. Высшая школа Советского Узбекистана. – Т.: Укитувчи. 1977. 13–14 с.
9. Абдурахманов Г.А. Высшая школа Советского Узбекистана. – Т.: Укитувчи. 1977. 29–45 с.
10. Абдурахманов Г.А. Высшая школа Советского Узбекистана. – Т.: Укитувчи. 1977. 29–45 с.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёrlаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарор. //Халқ сўзи, 2011 йил 21 май.
12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2002. № 2. 34-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2006, № 9. 63-модда
14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2007, № 3. 23-модда.
15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2007, № 35-36. 354-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009, № 18. 222-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014, № 14, 153-модда.
18. Положение о высшем образовании //Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан.– 2003. № 4.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маълумотлари. 2011.
20. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари статистик тўплам 2015-2016 й жадвалга Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети жадвалга киритилмаган.
21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маълумотлари. 2018.
22. Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. –Тошкент: 2008. -27 б.
23. Карпенко М.П. Телеобучение. – М.: СГА, 2008. С.53.
24. US Department of Labor. Future work - Trends and Challenges for Work in the 21st Century Executive Summary. <https://www.dol.gov/>.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнданги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2018 йил 6 июнь.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори// Халқ сўзи, 2017 йил 21 апрель.
27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ килиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони// Халқ сўзи, 2019 йил 12 июль.